

Суд томонидан судланувчи жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганлигига қонуний баҳо берилмаганлиги сабабли апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Ховос туман судининг 2006 йил 14 апрелдаги ҳукми билан Э. Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилиб, ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 6-банди «а» кичик бандига асосан тайинланган жазо учдан бирига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 23 майдаги ажрими билан Э.га оид жиноят иши юзасидан чиқарилган суд ҳукми ўзгартирилиб, унга нисбатан тайинланган жазо ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда 6 йилга келтирилган, Э. ЖК 34-моддаси асосида, ўта хавфли рецидивист деб топилиб, амнистия актини қўллаш ҳақидаги қисми ҳукмдан чиқарилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э. ва бошқалар Ховос туманидаги «Туркистон» ширкат уюшмасида жойлашган «Нақлмаҳсуқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли участка ҳудудида очик ҳолатда сақланаётган 41.04.132,97 сўмлик темир қувурларни қўлга киритиш мақсадида жиноий тил бириктириб, 2005 йил 23 сентябрь кунига ўтар кечаси уларни таниб қолмаслик мақсадида ўзларининг кўйлақларини бошларига ниқоб қилиб боғлаб олишиб, ушбу жамиятда А. қоровуллик қилаётган вагон олдида келишиб, унга ҳужум қилишиб, қўллари ва оёқлари билан турли жойларига уриб-тепиб, унинг соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатишиб, бирор кишига айтмаслик мақсадида ўлдириш билан қўрқитиб, қўл оёқларини сим билан боғлаб, уни вагон ичига қамаб қўйишган.

Шундан сўнг, Э. ва бошқалар босқинчилик билан эгаллаган мулкларини фуқаро Қ.га тегишли бўлган «Камаз» русумли автомашинага фуқаро П. бошқарувидаги махсус автокран ёрдамида ортишиб, Тошкент шаҳрига олиб боришиб, фуқаро С.га

босқинчилик йўли билан ўзлаштирилганлигини айтмасдан, 2100 АҚШ доллари ва 42.000 сўмга сотиб юборишган. Сўнгра улар такси кираси, юк автомашинаси ва автокран машинасига кетган харажатларни чиқариб ташлаб, қолган пулларни ўзаро тақсимлаб олишиб, «Нақлгазмахсускурилиш» хиссадорлик жамиятига жами 41.04.132,97 сўм миқдорда зарар етказишган.

Суд Э. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

2005 йил 2 декабрдаги амнистия актининг 7-банди «а» кичик бандида мазкур қарор–ўта хавфли рецидивистларга татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган.

Апелляция инстанция суди Э.га нисбатан 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актини татбиқ этмаслик ҳақида хулосага келганда, унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини асос қилиб олган. Бироқ суд Э.нинг жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганлигини инобатга олмаган.

Қонун мазмунига кўра, амнистия акти қўлланилишини истисно этувчи муайян шартлар белгиланган ҳолларда амнистия актини, агар унда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, бундай шартлар (масалан, жазо ўташ тартибини муттасил бузиш, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш) амнистия акти кучга киргунга қадар юзага келгандагина қўлламаслик мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 6-бандида мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми тегишлича қисқартирилиши белгиланган.

Э. жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганлиги сабабли, унга нисбатан 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актининг 6-банди «а» кичик бандини татбиқ этилиши ва жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилиши лозим.

Шу сабабли Олий суд раисининг ўринбосари томонидан келтирилган 2010 йил 8 февралдаги протестга асосан жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раёсатининг 2010 йил 26 февралдаги қарори билан Э.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 6-бандининг «а» кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилди, Э. тайинланган жазони ўтаб бўлганлиги сабабли, жазони ўташ жойларидан дарҳол озод қилинди.

ЖСХ-32-10 назорат иши

